

СУВ ВА УНИНГ ИСЛОМДАГИ АҲАМИЯТИ

Аманов Жавлон

Тошкент ислом институти 4-курс талабаси

Аннотация: Мазкур мақолада сувнинг Ислом таълимотида тутган ўрни, унинг шариатдаги фикҳий таснифи ва амалий қоидалари таҳлил қилинади. Сувнинг биологик, маънавий ва диний аҳамияти Қуръон ва ҳадислар асосида ёритилади. Шунга қўшимча равишда, замонавий технологиялар ёрдамида сувни поклаш усулларининг шариатга мувофиқлиги масаласи ҳам кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: Сув, Ислом, фикҳ, нажосат, таҳорат, тозалаш, шариат, ибодат, замонавий технология.

Сув — барча тирик мавжудотлар ҳаёти учун зарурий модда ҳисобланади. У ердаги ҳар бир биологик жараёнда иштирок этади ва организмларнинг асосий қисми сувдан иборат. Сув Ислом шариатида ҳам муҳим ўрин тутди. Қуръони Каримда Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

«...ва сувдан ҳар бир тирик нарсани қилганимизни билмайдиларми?» (Анбиё сураси, 30-оят).

Бу оят сувнинг ҳаётий аҳамиятини кўрсатади. Ислом таълимотида сув нафақат биологик, балки маънавий ва диний поклик манбаи ҳам ҳисобланади.

Ислом динида поклик имоннинг ажралмас қисми ҳисобланади. Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладилар: **«Поклик имоннинг ярмидир»** (Имом Муслим ривояти).

Исломда ибодатларни бажариш учун бадан ва кийим-кечакни пок сақлаш зарур. Бунинг учун эса сув энг муҳим воситадир.

Ислом фикҳида сувнинг таснифи. Фақиҳлар сувнинг таснифи, поклиги ва унинг ишлатилиши ҳақида батафсил қоидалар ишлаб чиққанлар. Улар қўйидагилардан иборат:

1. Пок ва покловчи сув. Бу сув шариатга кўра ҳар қандай ифлосликдан холи бўлиб, у билан таҳорат ва ғусл қилиш мумкин. У табиий ҳолда, яъни ўзгармаган ранги, ҳиди ва таъми билан қолган бўлиши лозим. Бундай сувларга қуйидагилар киради:

Ёмғир суви – осмондан тушган табиий пок сув;

Булоқ ва дарё суви – табиий манбалардан оқиб келаётган сув;

Қудук суви – ер остидаги манбалардан келаётган сув;

Денгиз ва океан суви – шўр ва ичиш учун яроқсиз бўлишига қарамай, шариатда пок ҳисобланади ва у билан покланиш мумкин бўлади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам денгиз суви ҳақида шундай деганлар: «Денгиз суви пок ва унинг ўлиги ҳалолдир» (Имом Термизий ривояти).

2. Пок, лекин покловчи бўлмаган сув. Бундай сувлар ўзи пок бўлса ҳам, у билан таҳорат ёки ғусл қилиш мумкин эмас. Бунга қуйидаги ҳолатлар киради:

Ишлатилган сув. Агар сув таҳорат ёки ғусл учун ишлатилган бўлса, у покланиш учун қайта ишлатилмайди. Масалан, бир киши таҳорат қилганда оқиб тушган сув пок, лекин у билан поклониб бўлмайди.

Баширий таъсирга учраган сув. Агар сувга турли ичимликлар, мой ёки парфюм аралашса, унинг табиий ҳолати ўзгариб кетган бўлса, у билан покланиб бўлмайди. Масалан, чой, шарбат, қаҳва каби ичимликлар.

3. Нопок сув. Агар сув ифлослик (нажосат) билан аралашса ва унинг ранги, ҳиди ёки таъми ўзгарса, у нопок ҳисобланади ва уни ишлатиш мумкин эмас.

Нопок сувга қуйидагилар киради:

Ичига нажосат тушган сув. Масалан, ҳайвон сийдиғи, қон ёки алкоголь аралашган сув.

Ичида жонзот ўлиб қолган сув. Агар сувда тирик мавжудот ўлиб қолса ва сувнинг сифатлари ўзгарса, у нопок бўлади.

Ифлосланган кўлмак суви. Одамлар ташлаган чиқиндилар сабабли ёки турли йўллар билан нопок нарса тушиб нопок ҳолатга тушган сув.

Ҳанафий мазҳаби уламолари «*Нажас нарса тегиши ёки тушиши билан нопок бўлиб қолмайдиган сувнинг энг оз миқдори – эни ўн аршин, бўйи ўн аршинли ҳавузнинг сувига тенг*», деганлар. Аршин деганда, ўртача одамнинг панжаси учидан тирсагигача бўлган узунлик тушунилади. Бу 61,2 см деб олинган. Демак, эни ва бўйи 6 метр у 12 смдан бўлган ҳавузнинг суви Ҳанафий мазҳаби бўйича нажас нарса тушса, нопок бўлмайдиган энг оз сув ҳисобланади.

Сувни ифлословчи омиллар ва уларнинг ҳукми

Ислом уламолари сувнинг ифлосланиши, унинг оқибатлари ва шаръий ҳукмлари ҳақида батафсил фикр билдирганлар.

Сувни ифлословчи омиллар

Сувнинг ифлосланишига сабаб бўлувчи омилларни иккига ажратиш мумкин:

Нажосатлар тушиши орқали ифлосланиш;

Биологик ва кимёвий ўзгаришлар туфайли ифлосланиш.

1. Нажосатлар орқали ифлосланиш. Ислом фикҳида нажосатлар иккига бўлинади:

Катта нажосат (нажосати ғализа). Мисол: қон, сийдик, ахлат, алкоголь, чўчка ва итга боғлиқ нажосатлар;

Кичик нажосат (нажосати хафифа). Мисол: гўшти ейиладиган ҳайвоннинг сийдиги, осмонда учиб юрган қушларнинг ахлати ва бошқалар.

2. *Биологик ва кимёвий ўзгаришлар орқали ифлосланиш.* Замонавий дунёда сув нафақат нажосатлар, балки саноат чиқиндилари, биологик зарарлар ва кимёвий моддалар билан ҳам ифлосланиши мумкин.

Ислом фикҳида бу ҳолатда қандай ҳукм берилади?

Агар сувнинг таркиби кимёвий моддалар ёки биологик зарарлар туфайли ўзгарса ва уч асосий хоссасидан бири (ранги, ҳиди, таъми) ўзгарса, у сув нопок ҳисобланади.

Агар сув кимёвий моддалар билан аралашган бўлса, лекин табиати ўзгармаган бўлса, у пок бўлиб қолаверади.

Амалиётдаги мисоллар: Завод чиқиндилари оқиб тушган сув ҳиди ёки ранги ўзгарган бўлса, у сув ифлос саналади. Ҳовузга дезинфекция учун хлор қўшилса, лекин сув ўзгармаган бўлса, у ҳали ҳам пок ҳисобланади.

Сув ифлосланганда унинг ҳукми. Ислом фикҳида сув ифлосланганда уни қандай ҳолатда қайта фойдаланиш мумкинлиги ҳақида ҳам ҳукмлар мавжуд.

1. *Сувни табиий йўл билан тозалаш.* Агар ифлосланган сув табиий равишда покланса, у яна ишлатишга яроқли бўлади. Масалан: Ёмғир ёғиши натижасида сув ўзини ўзи тозаласа, катта сув оқими нажосатни оқизиб кетиб қолган жойдаги сувни тоза ҳолатга келтирса ва шу каби ҳолатларда.

2. *Замонавий усуллар билан тозалаш.* Ҳозирги кунда турли филтрлаш, дистилляция ва химик реакциялар ёрдамида сувни тозалаш мумкин. Агар бу усуллар сувни яна ибодатлар учун ишлатишга яроқли ҳолга келтирса, у шариатга мувофиқ деб топилади.

Ҳанафий мазҳабига кўра, агар сув нажосатдан тозаланса ва уч хоссаси тикланса (ранг, ҳид, таъми), у пок ҳисобланади.

Мисоллар: Филтрлар ёрдамида ифлосланган сувни тозалаш, ҳовуз сувини кимёвий тозалаш орқали қайта фойдаланиш ҳолатига келтириш каби.

Ҳозирги замонда сувни тозалашнинг янги технологиялари пайдо бўлди ва уларнинг шариатга мувофиқлиги муҳим масала ҳисобланади. Агар бу усуллар сувни асли ҳолатига қайтара олса, улар шариатга зид эмас.

Демак, сувнинг поклигини сақлаш – нафақат шаръий талаб, балки экологик жиҳатдан ҳам муҳим вазифадир. Фикҳий нуқтаи назардан сув турлари, унинг поклиги, нажосат таъсири ва қайта ишлаш ҳолатлари батафсил ўрганилган. Сувни ифлосланишдан сақлаш, унинг софлигини таъминлаш ва исроф қилмаслик ҳар бир мусулмоннинг масъулияти ҳисобланади. Ислом таълимотига кўра, сув — бу нафақат табиий бойлик, балки ибодатнинг шарти, ахлоқнинг ўлчови ва жамият равақининг кафолати ҳамдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳ.Абиев, С.Примов, Ш.Халилов. «Ҳидоя шарҳи» китоби. «HILOL-NASHR» нашриёти, 2023.
2. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «Тафсири ҳилол» китоби. «HILOL-NASHR» нашриёти, 2016, 2017, 2018, 2019, 2020, 2021, 2022, 2023, 2024.